


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 17 июнь, № 120 (4783) Чоршанба


# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 июнь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.**



Саммит Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги йиғилиши билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Музокарада минтақада ва дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШҲТга аъзо давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий-молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, жумладан, терроризм, экстремизм, айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазият кўриб чиқилди, ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва тикланиш ишларини амалга ошириш борасида фикрлар алмашилди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага тўхталиб, Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафелигидаги янги халқаро механизми — «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ Афғонистонга қўшни олти мамлакат ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларидан иборат бўлади. Шунингдек, Ислом Каримов кўп миллатли Афғонистон халқининг чуқур тарихий илдизларига, барча миллатларнинг анъанавий қадриятларига тўла ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоят муҳимлигини, шу асосда ҳамда музокаралар орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи мақомидаги давлатлар ҳамда минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ШҲТ дунёнинг энг нуфузли, қудратли, юқори салоҳиятга эга ташкилотларидан бирига айланди. Бунда ташкилотнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳар томонлама пухта ўйланган механизм вазифасини ўтаётгани, шунингдек, музокаралардаги очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий соҳада ШҲТ давлатлари ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашувларни самарали мувофиқлаштиришга эришди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШҲТ мамлакатлари учун доимо устувор ўрин тутади. Шу боис саммитлар арафасида иқтисодий-ижтимоий комплекс вазирлик ва идоралари билан бир қаторда, хавфсизлик кенгаши котиблари, ички ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар ва бошқа махсус хизматлар вакилларининг мажлислари ўтказилади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. ШҲТнинг Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси ҳамкорликда бизнес вакиллари ва банк-молия тузилмаларининг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, ШҲТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашмадан ташқари, божхона, транзит, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт, йўлсозлик, логистика, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалар бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Масалан, транзит салоҳиятини юксалтириш бўйича махсус ишчи гуруҳ «Андижон — Ўш — Саритош — Иркештом — Қашқар» ҳамда «Душанбе — Жирғатол — Қорамиқ — Иркештом — Қашқар» транспорт йўлаклари таркибига кирувчи автомобиль йўллари лойиҳаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Гуманитар ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик тажриба алмашув ва юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашни мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мамлакатлар вакиллари — Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх, Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Мўғулистон ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Норовин Алтанхуяг ҳамда саммит меҳмони сифатида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай ҳам иштирок этди.

Музокарада ШҲТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида ҳамда кузатувчи давлатлар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Халқаро ва минтақавий вазият кўриб чиқилди, молия, энергетика, ахборот, экология ва озиқ-овқат соҳаларида хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Саммит якунида ШҲТнинг Екатеринбург декларацияси, Терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

---

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ўтказилган семинар “Вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси: миллий қонунчилик мониторинги ва қўллаш амалиёти” деб номланди.***

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Айтиш жоизки, юртимизда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг соғлом камол топишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, ўсиб келаётган авлод ҳақида қайғуриш ва ҳаётини яхшилашга қаратилган ижтимоий дастурлар устуворлигига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Семинарда маърузачилар таъкидлаганидек, баркамол авлод орзуси йўлида амалга оширилаётган барча ишлар замирида келажагимиз эгалари бўлган болаларнинг тақдирига масъуллик ётади. Зеро, жисмоний ва маънавий етук авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш орқали Ватанимиз келажаги янада мустаҳкам, янада ишончли бўлишига эришилади. Зотан, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар болаларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқаришни кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис иштирокчилар мустақиллик йилларида айнан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир қабул қилинган юздан ортиқ қонун ҳужжатлари халқаро андозаларга мослигини алоҳида қайд этишди.

Шунингдек, тадбирда Қонунчилик палатаси фаолиятида қабул қилинган янги қонунлар ва давлатимизда шу соҳада олиб борилаётган кенг қамровли, изчил ислоҳотлар хусусида ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

---

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Шу куни парламент қуйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш ва янги иш жойлари яратиш дастурлари ижроси ҳақида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ахбороти эшитилди.***

Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур Қонунга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича мунтазам равишда чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-май ойларида туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказларига иш ахтариб мурожаат этган 275,9 минг нафар аҳолидан 241 минг нафари ишга жойлаштирилган. Шулардан 74,5 минг нафарини ёшлар, 93,9 минг нафарини аёллар ташкил этади. Ишга жойлаштирилганлар сони олдинги йилнинг шу даврига нисбатан ўн фоизга ошган.

Бироқ республика бўйича янги иш ўринлари яратиш дастурлари ошиғи билан бажарилган бўлишига қарамай, айрим шаҳар, туман, хўжалик субъектларида аҳоли бандлиги параметрлари бажарилмай қолмоқда. Йиғилишда яратилган янги иш ўринларини сақлаб қолиш ва тиклаш ишлари талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Масалан, Тошкент вилоятида 2009 йилнинг тўрт ойида янги иш ўринлари яратиш ярим йиллик режа 63,7 фоизга бажарилган бўлса, Оққўрғон туманида 53,6 фоизга, Ўрта Чирчиқ туманида 59,9 фоизга бажарилган. 2007-2008 йилларда вилоят корхоналарида ташкил этилган 18993 та касаначилик иш жойларининг 31 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Айниқса, Сурхондарё вилоятининг Термиз, Бойсун, Бандихон туманларидаги йирик корхоналар қошида 2006-2009 йиллар мобайнида касаначилик бўйича янги иш ўринлари умуман яратилмагани ташвишланарлидир.

Мажлисда мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга эътибор қаратилди. Бунинг учун меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг меҳнати муҳофазасини кучайтиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Шу билан бирга, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағларини хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, кичик бизнес субъектларига ҳамда бошқа йўналишларга мақсадли ва устувор равишда ажратиш тавсия этилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

---

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар марказида “Тошкент — Шарқ дарвозаси” деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.*

## ПОЙТАХТ ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш орқали ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, унинг қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори пойтахтимиз тарихини чуқур ва атрофлича ўрганиш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини тобора юксалтириш, ёшлар қалбида тарихимизга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғусини камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Тошкент юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасида талаба-ёшлар учун туркум маънавий-маърифий тадбирлар, тарихчи олимлар, археологлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар, интеллектуал ўйинлар, ижодий кўрик-танловлар, викториналар ўтказилмоқда. «Тошкент — Шарқ дарвозаси» деб номланган китоблар кўргазмаси ҳам ана шулар сирасига киради.

Кўргазмада Тошкентнинг бой ва ўзига хос тарихи, истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, унинг маънавий-маърифий

(Давоми 2-бетда).

---

## ТОКИО ВА ТЕҲРОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

***Чет эл сиёсий, ижтимоий ва эксперт-таҳлилий доираларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг кенг муҳокамаси давом этмоқда.***

**Биз ва жаҳон**

Токио шаҳридаги Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) институтида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги асари тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Япония молия вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкининг Токио шаҳридаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Сиёсий тадқиқотлар маркази кўмагида ўтказилган тақдимотда мамлакатнинг молия вазирлиги, ОТБ, экспертлар, академик ва таҳлилий доиралари вакиллари қатнашди.

Тақдимотда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарининг асосий мазмуни билан таништирилиб, молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини енгиллаштириш имкониятлари, инқироз таъсирини камайтириш йўллари ва унинг оқибатларини бартараф этиш омиллари ҳақида маълумотлар берилди. Мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган беш тамойил асосида иқтисодиётни ислоҳ ва модернизация қилиш модели ўзининг самарадорлигини исбот қилгани қайд этилди.

Тақдимотда иштирок этган **Осиё Тараққиёт банкининг Токиодаги ваколатхонаси директори Куники Накамори** Президент Ислом Каримовнинг китобига юқори баҳо берди. Унинг таъкидлашича, бу асар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошдан кечираётган дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун "қўлланма ва самарали модель" бўлиши мумкин.

К. Накамори китобнинг туб моҳиятини изоҳлар экан, «китоб бир қатор давлатлар ҳукуматларига келгусида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва банк-молия тизими фаолиятини соғломлаштиришга йўналтирилган самарали тадбирларни ишлаб чиқиш учун айни пайтида нашр этилгани»-ни таъкидлади.

У иқтисодиётни ислоҳ этишнинг Ўзбекистонда қабул қилинган ўз модели дунёда кенг эътироф этилгани, ислоҳотларни амалга оширишга асос бўлган тамойиллар эса ўтиш ҳолатидаги кўпгина давлатлар томонидан қабул қилиниши мумкинлигини қайд этди. Жумладан, К. Накамори давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўташи тамойилининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

**Токиодаги Осиё Тараққиёт банки институти директори Масахиро Кавай** Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ҳақидаги муҳим иқтисодий маълумот берувчи асарини баҳолар экан, Ўзбекистон сўнгги йилларда барқарор ва эътиборга молик ўсиш суръатларига эришганини қайд этди.

Китобда келтирилган Ўзбекистоннинг юқори макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳақида гапирар экан, М. Кавай ушбу рақамлар Ўзбекистонни юксак тараққиёт истиқболига эга бўлган янги саноатлашган мамлакат сифатида кўриш мумкинлигининг исботи эканини таъкидлади.

М. Кавай иштирокчиларга Осиё Тараққиёт банкининг навбатдаги йиғилиши 2010 йилда Тошкентда ўтказилиши ҳақида хабар берди ва бундай қарор Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти интеграцияси жараёнларида тўлақонли иштирок этишидан далолат беришини айтди.

**Университетнинг иқтисодиёт факультети профессори Кейо Шигео Кашиваги**нинг фикрича, Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг маълумотларига кўра,

(Давоми 2-бетда).

# ТОКИО ВА ТЕҲРОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2009 йил якунига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 7 фоизга ўсиши кутилмоқда. Унинг таъкидлашича, кўпгина ривожланган давлатларнинг инқироз давридаги ўсиш кўрсаткичларида кучли пасайиш кузатилмоқда, Ўзбекистон иқтисодиёти эса ривожланишнинг эътиборли суръатини намоён этмоқда.

Ш. Кашивагининг фикрига кўра, бундай ютуқларга Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул килинган иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш сиёсати натижасида эришилмоқда. Эксперт иқтисодий ривожланиш дастурини батафсил ўрганиб чиқиш ва амалга ошириш самарадорлигини таъминлашда мамлакат раҳбарининг тутган ўрнини юқори баҳолади.

Ш. Кашиваги тақдимот маросими иштирокчиларини молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига қарши ўзига хос ҳимоя воситаси бўлган, Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган тадбирларга эътибор қаратди. У Ўзбекистоннинг банк-молия тизими спекулятив операцияларда иштирок этмаганини таъкидлар экан, бунинг натижасида мамлакат инқироздан фақат экспорт миқдорининг пасайиши ва нархлар конъюктурасининг тушишидагина зарар кўрганини қайд этди.

Президент Ислом Каримовнинг китобида Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиши айтилган. Ш. Кашивагининг фикрича, бу Ўзбекистон иқтисодиёти дунёнинг барча давлатлари учун очиқ эканининг эътирофидир.

**Осиё Тараққиёт банки тадқиқот институти директори М. Ламберте**нинг фикрига кўра, Ўзбекистон, глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, кенг кўламли экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи қудратли иқтисодиётга, шунингдек, кучли банк тизимига эга.

М. Ламбертенинг қайд этишича, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти мамлакат раҳбариятининг узоқни кўра олишидан далолатдир. М. Ламберте глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг янада авж олиш жараёнида Ўзбекистон унинг салбий омилларини олдиндан аниқлай олиши ва инқирознинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтиришига ишонч билдирди. М. Ламберте Ўзбекистонда эришилган натижалар мамлакат иқтисодиёти учун танланган моделнинг тўғри эканидан гувоҳлик беришини таъкидлар экан, банк-молия тизимида таркибий ислоҳотларни бундан буён ҳам давом эттиришнинг муҳим эканини қайд этди.

Теҳронда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдимотига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда ижтимоий-сиёсий, таҳлилий ва илмий доираларнинг taниқли намояндалари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги асари тақдимоти давомида иштирокчилар эътибори жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, молиявий таназзул оқибатларини олдини олиш ва юмшатиш омилларига қаратилиб, Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий мазмуни ва моҳияти, шунингдек, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари баён этилди.

Тақдимотда сўзга чиққан **халқаро мустақил эксперт, Россия, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқот Маркази илмий кенгаши аъзоси Баҳром Амираҳмадиён**нинг таъкидлашича, иқтисодий ривожланишнинг Ўзбекистон модели мамлакат томонидан иқтисодиётда юқори кўрсаткичларнинг қўлга киритилишига туртки бўлди. Экспертнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президентининг ушбу асари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари, унинг ривожланиши ва инқироздан чиқиб олишнинг йўллари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритаётган иқтисодий тадқиқотчилар ва таҳлилчиларда катта қизиқиш уйғотади. Президент Ислом Каримов асарида Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида тўлиқ таҳлилий маълумотлар берилган.

Эронлик сиёсатшуноснинг баҳо беришича, Президент Ислом Каримов иқтисодчи сифатида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг самарали йўлини ишлаб чиқишга эришди. Сўнгги беш йил ичида ўртача 8 фоиздан ошган, 2009 йилнинг биринчи чорагида эса 7,9 фоизни ташкил этган иқтисодиётнинг ўсиш даражаси унинг меҳнати самарасидир. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,7, қишлоқ хўжалиги 4,5, қурилиш ишлари 8,3, хизмат кўрсатиш 21,3 фоизга ошгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари, хусусийлаштириш, қулай сармоя муҳитини яратиш, хусусий тармоқнинг фаоллиги ва бошқалар ижобий анъаналар сифатида қайд этилган.

Эронлик эксперт бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин бозор тизимига ўтиш жараёнларига нисбатан эволюцион ёндашувни ижобий баҳолади. Маърузачи мураккаб ўтиш даврида аҳолини ҳимоя қилиш, бозор ислоҳотлари олдидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг яхлит тизимини яратишга йўналтирилган Ўзбекистон ҳукуматининг кучли ижтимоий сиёсатига эътибор қаратди. Шу ўринда у Президент Ислом Каримов томонидан 1992 йилдаёқ эълон қилиниб, изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилини алоҳида қайд этди.

**Макроиқтисодиёт бўйича маслаҳатлашув гуруҳи президенти Реза Хошгу** Ўзбекистон раҳбари иқтисодий таназзул олди ҳолатига қарши туриш бўйича зарур саъй-ҳаракатларни аниқ белгилаб берганини таъкидлади. Эронлик экспертнинг фикрича, банк-молия тизимини ривожлантириш, унинг фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш, мамлакатнинг етакчи банклари капиталлашувини оширишга эътибор қаратилиши энг тўғри қадам ҳисобланади. Хусусийлаштириш, хусусий секторнинг иқтисодиёт тараққиётига жалб этилиши муҳим аҳамият касб этади. Яна бир диққатга сазовор муҳим вазифа — янги иш ўринлари ташкил этаётган, Инқирозга қарши чоралар дастурида алоҳида эътибор қаратилган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласидир. Унинг фикрича, юқорида санаб ўтилган омиллар ҳисобига инқирознинг оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилиши таъминланмоқда.

**Эрон Иқтисодий ва халқаро тадқиқотлар институти директори, доктор Сайид Муҳаммад Ҳусайн Одилий** Ўзбекистонда мамлакатнинг мазкур инқироздан муваффақият билан чиқишига гаров бўладиган барқарор ва мустаҳкам молиявий тизим яратилганини таъкидлади.

Экспертнинг айтишича, Президент Ислом Каримов асарида келтирилган ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши зарурлиги ҳақидаги фикр эътиборга сазовордир ва унда иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши охир-оқибатда мутлақ ўзини оқлагани таъкидланади.

Эронлик олимнинг фикрига кўра, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида комплекс дастурлар ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ўрганилиши керак. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, мослашувчан замонавий технологияларни кенг жорий этиш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва экспорт учун қўшимча рағбатлантирувчи омилларни яратиш, иқтисодиётдаги қатъий тежамкорлик тартиби эвазига корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш каби муҳим йўналишлар нафақат Ўзбекистон учун, балки минтақанинг бошқа давлатлари учун ҳам жуда улкан аҳамиятга эгадир.

**«Жаҳон» АА.**

---

## 17 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

***Ҳар бир ота-она фарзандлари камолини кўриш орзусида яшайди. Нуридийдасининг ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятга керакли инсон бўлиб етишишини истайди ва шу йўлда бор куч-ғайратини сарф этади. Аммо керагидан ортиқ ғамхўрлик, ҳаддан зиёд тўкис ҳаёт болани боқимандаликка ўргатиб қўйиши ҳеч гап эмас.***

# ИЛЛАТНИНГ МУДҲИШ КУЛФАТИ

Гапни бу йўсин мулоҳазадан бошлаганимиз сабаби шуки, касбий фаолиятимиз асносида ота-оналар не ҳасратда фарзанд тарбиялаб, у вояга етганида эса роҳатини кўриш ўрнига доғида куйиб қолганликларига неча бор гувоҳ бўлганмиз. Бизнинг муассасада носоғлом муҳит, ота-онанинг эътиборсизлиги ёки меъёридан ортиқ дабдабали ҳаёт ва бошқа шу каби омиллар таъсирида эгри йўлга кириб қолган, гиёҳвандлик тўрига илинган беморлар даволанади. Мана, улардан бирининг мулоҳазаси:

— Биринчи бор қорадори истеъмол қилганимда эндигина ўн етти ёшга қадам қўйгандим. Ҳаётимдан нолийдиган ерим йўқ, ҳамма нарса етарли, ота-онам оғзимдан чиққанини муҳайё қилишарди. Аммо аста-секин мана шу тўкис турмушдан зерика бошладим, ҳаётимда қандайдир ўзгариш содир бўлса, етти ухлаб тушимга кирмаган воқеаларни бошимдан ўтказсам, деб хаёл қилардим. Дайдию безори ошналарим турган-битгани роҳат бунинг, деб қўлимга наша тутқазишганида ва уни биринчи марта татиб кўрганимда орзуимдаги ҳаётга етишгандек ҳис этдим, ўзимни. Кейин "дўстларим" мени кетма-кет сийлашди. Отам юриш-туришимдан воқиф бўлганида, ҳақиқий гиёҳвандга айланиб бўлгандим, энди у менга пул бермаса, рўзғордаги буюмларни олиб чиқиб сотардим.

Бугун у йигирма саккиз ёшда. Айни дам йўл қўйган аянчли хатолари ҳақида ўйлаб, юраги ўртанаяпти. Тўғри, бу оғир. Аммо бундан уч ой аввал бизнинг марказга даволаниш мақсадида келган бемор бугун ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан соғлиғини тиклашга муваффақ бўлаётгани қувонарли.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ерга беморлар бировларнинг тазйиқи остида эмас, балки ўз хоҳишлари билан келиб, бепул даволанишади. Хусусан, 2003 йилда фаолият бошлаган Республика Наркология маркази фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида давлатимиз кўрсатган эътибор натижасида бугун ушбу масканда янгидан-янги ташаббусларни амалга оширишга эришдик.

Марказ 96 ўринга мўлжалланган. Бу ерда гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик хасталигига чалинган беморлар комплекс даволанади. Даво тадбирлари уч ойдан олти ойгача давом этади. Нарколог, терапевт, невропатолог, кардиолог, руҳшунос сингари мутахассислар беморни тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиб, замонавий муолажалар воситасида даволайдилар. Жумладан, энг сўнгги тиббий ускуналар билан жиҳозланган реанимация, физиотерапия, арттерапия сингари бўлимларда ҳар бир беморга алоҳида эътибор мавжуд.

Шифо масканида беморлар учун ҳар куни ёзги-қишки спорт мажмуасида жисмоний машқлар, компьютер дастурчиларини тайёрлаш курслари, психолог мутахассислар бошчилигида тренинглар, арттерапия машғулотлари ўтказилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ота-оналар гиёҳвандликка ружу қўйган фарзандларининг аянчли қисматига шерик бўла туриб, уни ажал домидан қутқариб қолиш ўрнига уят, орномус дея беморни шифокор ҳузурига олиб боришга иймонишади. Ваҳоланки, Наркология диспансери ёки марказига мурожаат қилган беморнинг шахси сир тутилади. Унинг ҳатто касаллик варақасига исм-шарифи қайд этилмаслиги қонун билан кафолатланган. Демак, ҳеч бир хавотирсиз шифокорга мурожаат этиш ва зудлик билан даво чораларини қўллаш зарур. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, марказнинг ишонч телефонлари (150-05-50) ҳамда махсус www.nasrcocenter.uz сайтига мурожаат қилиб, мутахассислардан зарур маслаҳатларни олиш мумкин.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш, ушбу иллат ёшларимизни ўз домига тортишига йўл қўймаслик учун, энг аввало, тарғибот-ташвиқот ишларига эътиборни кучайтирган мақбулдир. Бу борада, айниқса, марказимиз қошида фаолият кўрсатаётган Ахборот-ресурс маркази мутахассисларининг малакаси қўл келмоқда. Ушбу масканда жаҳондаги таниқли олимларнинг гиёҳвандликка қарши кураш мавзусига оид қимматбаҳо адабиётлари, илмий-оммабоп рисолаларнинг электрон ресурси яратилган бўлиб, бундан кенг жамоатчилик, ўқув масканлари мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар фойдаланишлари мумкин. Қолаверса, жойларда марказ мутахассислари иштирокидаги давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилибди. Бу эса ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёҳвандликнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини ёшларимизга кенг тушунтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Ғулом БЎРИХЎЖАЕВ,**
**Республика наркология марказининг бош шифокори.**

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўрни ва аҳамиятига оид китоблар, ўқув, илмий, бадиий адабиётлар, рисолалар, фотоальбомлар, плакатлар билан танишиш мумкин. «Тошкент — ислом ма-

## ПОЙТАХТ ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

даният гавҳари» фотоальбоми, Эдвард Ртвеладзенинг «Буюк Ипак йўли», «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар», Дилором Алимова ва Маргарита Филановичнинг «Тошкент тарихи», «Тошкент XIX асрнинг иккинчи ярмида», Абдулазиз Муҳаммадкаримовнинг «Тошкентнома», Абдулла Авлонийнинг «Тошкент тонги» каби китоблари шулар жумласидандир. Кўргазмадан Тошкентнинг кечаги куни, бугунги ҳаёти акс эттирилган фотосуратлар ҳам ўрин олган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Анжуман**

*Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Айниқса, Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг ушбу соҳага эътибор янада ортди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган анжуман ҳам айнан мазкур соҳа ривожига бағишланди.

БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Сут фермаси режаси ва дизайни" мавзуидаги анжуманга тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, фермерлар, шунингдек, хорижлик мутахассислар таклиф этилди.

Лойиҳадан асосий мақсад, мамлакатда чорвачиликни ривожлантириш борасида аниқ стратегияни белгилашга кўмаклашишдир. Анжуманда сўзга чиққан қишлоқ хўжалик бинолари дизайни бўйича мутахассис Ронен Файгенбаум (Исроил) Ўзбекистоннинг об-ҳаво ва иқлимига мос тарзда чорвачилик мажмуалари қуриш ва чорва молларига юқори даражада қулай шарт-шароит яратиш тамойиллари билан таништирди. Олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари лойиҳанинг модель ҳудудлари — Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ ва Чиноз туманларидаги фермер хўжаликлари биноларини бориб кўрдилар, у ерда амалга оширилаётган ишлар кўлами билан танишдилар.

**А. ХЎЖАБЕКОВ.**

---

# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АФЗАЛЛИГИ

## меҳнат унумдорлигини оширади, сифатни яхшилайди



***Мустақилликнинг дастлабки йилларида оддийгина шкаф, стол, стул ясаш билан иш бошлаган "Қаршимебель" МЧЖ кейинги йилларда ривожланишнинг жадал йўлига чиқиб олди.***

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Бу борада, айниқса, кўп энергия талаб этадиган дастгоҳларнинг янгиланиши қўл келди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот сифати яхшиланди.

Ўтган йили мазкур корхонада 1 миллиард 349 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона Маҳаллийлаштириш дастури асосида ягона солиқ тўловидан озод қилинган эди. Натижада фойданинг бир қисми ва солиқдан тежаб қолинган 79 миллион сўм маблағ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва модернизациялаш учун сарфланди.

Интилишлар самараси ўлароқ, шу йилнинг ўтган беш ойи давомида 250 миллион сўмлик сифатли мебель мижозларга етказиб берилди. Шу кунларда жамоанинг иши ҳар қачонгидан кўпайган. Гап шундаки, халқ таълими тизимида ўтказилган тендерда ютиб чиққан корхона янги ўқув йилига қадар 1 миллиард 585 миллион сўмлик мактаб мебеллари етказиб беради.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.
**Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.**

---

***Президентимиз ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида «Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғли барқарор ва ишончли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман», дея алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, молиявий тизим ва унинг узвий қисми — суғурта соҳасининг барқарорлиги ва ишончлилиги иқтисодий бўҳрон таъсирини юмшатишда ва, умуман, мамлакат аҳолиси ҳамда иқтисодиётини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.***

# СУҒУРТА — ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ МУҲИМ ВОСИТА

**Мулоҳаза**

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури, айниқса, бугунги кунда нафақат Ватанимизда, балки чет элда, хусусан, ривожланган мамлакатлар давлат, сиёсат ва дин арбоблари ўртасида ҳам тан олинганлиги ва улкан воқеага айланганлиги ҳаммага аён. Шу боис бу дастурни амалиётга самарали жорий этиш мақсадида суғурта соҳаси бўйича баъзи мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

Ҳозирги вақтда молиявий-иқтисодий инқироз оммавий ахборот воситаларининг ҳам, турли жабҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ҳам, олимлару оддий инсонлар мулоқотининг ҳам бош мавзуларидан бирига айланиб бормоқда. Маълумки, "кризис" грекча сўз бўлиб, "қарор", "бурилиш нуқтаси" ва "оқибат" маъноларини англатади ва инсон фаолиятининг турли соҳа ҳамда жабҳаларида кенг ишлатилади. Иқтисодиётда эса кризиснинг классик ҳолати даврий такрорланиб турувчи, таклиф талабдан бирмунча устун бўлган ҳолларда кузатиладиган ноқулай, айни пайтда қонуний ҳолат ёхуд оқибат ҳисобланади. Бундан мазкур ҳолат ўз вақтида тегишли илмий-амалий равишда кўрилган чора ва тадбирлар орқали муваффақиятли ҳал этилиши мумкин эканлиги ҳам маълум бўлади.

Бугунги кунда шу нарса ойдинлашдики, Ўзбекистонда суғурта соҳасининг айни вақтдаги ривожланиш босқичи, ҳеч муболағасиз, режали ва мақсадли дастур доирасида кечаётгани кузатилмоқда. Аслида, бу узоқни кўра билиш давлат сиёсатининг натижасидир. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида, хусусан, суғурта тушумларининг ўсиш кўрсаткичи жуда юқори даражага етди. Қатор мамлакатларда, шу жумладан, айрим Ҳамдўстлик давлатларида суғурта компаниялари фаолиятида рецессия, асосий кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилаётган бир пайтда ўтган даврда республикамиз суғурта бозорида тўпланган умумий суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиши қарийб 178,3 фоизни ташкил этди. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компаниясида эса бу кўрсаткич қарийб 2,5 баравар ортди.

Хабарингиз бор, суғурта соҳасига тегишли Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни кризисга қарши чоралар давлат дастурига киритилган. Мазкур Қонуннинг амалиётга жорий этилганлиги республикамиз суғурта бозорининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш даврида кузатилган юқори ўсиш динамикасида асосий омил бўлди, дейиш мумкин. Зеро, қисқа муддат ичида ушбу йўналиш бўйича 20 миллиард сўм атрофидаги маблағ суғурта компаниялари томонидан йиғилди. Энг муҳими, бу маблағнинг асосий қисми нақд пул шаклидалиги муҳим ижобий макроиқтисодий аҳамият касб этиб, Ватанимиз иқтисодиётининг узлуксиз ва барқарор ривожланиши учун ўзига хос стратегик захира шаклларидан бири сифатида шаклланмоқда ва хизмат қилмоқда. Чунончи, йиғилган барча маблағларнинг қарийб тўртдан уч қисми суғурта қопламаларини тўлаш учун суғурта захираларига йўналтирилди. Ушбу маблағлар, белгиланган тартибга кўра, банклар орқали инвестицион фаолиятда, янги иш жойларини ташкил этишда асқотмоқда.

Қувонарлиси, биргина «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан фақат транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси бўйича 180 млн. сўм атрофидаги маблағ юридик ва жисмоний шахсларга суғурта қопламаси сифатида тўлаб берилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, шу йилнинг биринчи чорагида «Кафолат» суғурта компаниясига суғурта тўлови бўйича 100 та ариза тушган бўлса, апрель-май ойларида ушбу кўрсаткич 150 тани ташкил этди. Бундай динамик ўсиш кўзда тутилган ривожланишнинг ўзига хос бозор механизмининг мазкур шакли тўлақонли равишда жорий этилаётганлиги, қонунчилик доирасида ташкил этилган махсус тўловларни кафолатлаш жамғармаси фаолияти билан изоҳланади.

Шу билан бирга, суғурта соҳасида жорий йилда кризисга қарши кучли амалий тадбир сифатида яна бир муҳим ҳодиса рўй берди — Ўзбекистон Республикасининг Президенти 16 апрель куни «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади. Суғуртанинг ушбу оммавий тури ҳам устувор равишда муҳим ижтимоий аҳамият касб этган ҳолда, фуқароларнинг манфаатларини молиявий ҳимоя қилиш баробарида ҳам ишлаб чиқарувчи сектор, ҳам суғурта компаниялари манфаатларига жуда мос келади.

Суғурта тизимида кризисга қарши курашда яна бир қанча имконият ва захиралар мажмуаси мавжуд. Биринчиси — глобал тусдаги манбалар. Мазкур имкониятлар суғуртанинг халқаро молиявий-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантиришга ундовчи табиатидан келиб чиқади. Зеро, бирон бир, ҳатто энг ривожланган мамлакат ҳам давлатлараро қайта суғурта механизмидан фойдаланмай туриб, ўз аҳолиси ва иқтисодиёти ҳимоясини самарали равишда таъминлай олмайди. Шунинг учун глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёни таъсирига мувофиқ равишда давлатлараро турли чора-тадбирлар комплексида қайта суғурта тизимини самарали ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бошқача айтганда, "Бутун дунё суғурта ва қайта суғурта компаниялари, бирлашингиз" деган шиор ўзининг амалий ифодасини топиши зарур. Тўғри, ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш масаласи жаҳон мамлакатларидаги ҳозирги суғурта, айниқса, қайта суғурта соҳасидаги қонунчиликда ва ушбу йўналишдаги компанияларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларидаги мавжуд тафовутлар кўламида назарий бир қарашдек туюлади. Шу боис бундай ёндашувни самарали жорий этиш ёки «пухта назария самарали амалиётдир», деган даражага етиш учун мазкур йўналиш кенг кўламли илмий ишларни тадқиқ қилиш ва уларни амалга оширишни тақозо этади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашда суғурта соҳасидаги мавжуд имкониятларнинг иккинчи мажмуи суғурта компанияларининг асосий фаолияти билан боғлиқдир. Ўз навбатида, кўрилаётган масалага доир эълон қилинган мақолалар таҳлилига кўра, суғурта компанияларининг ривожланишида инвестицион фаолиятни такомиллаштириш ҳамда инқирозга боғлиқ қалтисликлар суғуртасидан мумкин қадар четлашиш асосида ноқулайликлардан қутулиш мумкинлиги ҳақида таклифлар берилмоқда.

Ҳозирги вақтда инвестицион фаолият бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар амалий ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Мазкур ҳужжатлар суғурта компаниялари томонидан инвестицион фаолиятни турли шаклларда олиб бориш имкониятини беради. Ўзбекистон шароитида банк тизими устувор, локомотив ҳамда ишончли тизим сифатида шаклланди ва тобора ривожланиб бормоқда. Мухтасар қилиб айтганда, суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти диверсификация тамойили асосида ўз маблағларининг асосий қисмини банк тизимига жойлаштириш орқали амалга оширишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, ҳозирги куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда, суғурта компаниялари инвестицион фаолиятда бу тизимнинг самарали ишлаши учун хизмат қиладиган суғурта инфратузилмасини ташкил этувчи муҳим элементларни — сюрвейерлар, актуарийлар, ассистанслар, ажастерлар, брокерларни ташкил этишга қаратишлари ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Бугун республикамизда 1 та актуарий, 4 та ажастер, 4 та ассистанс ташкилотларининг ташкил этилганлиги мазкур жараённинг ривожлана бошлаганидан далолат беради.

Молиявий-иқтисодий инқирозни юмшатишда муҳим омил сифатида иштирок этадиган қайта суғурта тизими ҳамда унинг инфратузилмаси — қайта суғурта брокерлари ва бошқа элементларни самарали ривожлантириш ҳам шу куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда мамлакатимизда қайта суғуртага ихтисослашган ягона қайта суғурталовчи компания ҳамда молиявий меъёр жиҳатдан ўттиз битта суғурта компаниясидан фақат битта суғурта компанияси қайта суғурталаш операцияларини амалга ошириши мумкин. Ушбу масаланинг ечими ҳам Президентимиз томонидан кўп марта таъкидланган вазифа — суғурта компанияларининг молиявий жиҳатдан етук ва барқарор бўлиш вазифасини ҳал этиш билан боғлиқдир.

Яна бир гап. Мавжуд қонунчилик доирасида суғурта объектларини суғурта компанияларининг гуруҳлари тизимли ёндашув асосида биргаликда суғурта фаолиятини амалга оширишлари учун ихтиёрий суғурта бирлашма(insurance pool)ларини ташкил этиш мумкин. Бундай ёндашув йирик, янги ва таниш бўлмаган қалтисликларни махсус юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш имкониятини беради. Бу, ўз навбатида, турли мулк шаклидаги суғурта компаниялари фаолиятини мақсадли ва манфаатли ҳолда уйғунлаштирган ҳолда, белгиланган вазифаларни ҳал этишга йўналтиришни талаб этади. Ташкилий жиҳатдан ушбу вазифа, кўп жиҳатдан, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси томонидан муваффақиятли равишда амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши ишлаб чиқилган йўллар ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун суғурта тизимида ҳам захира ва омиллар мавжуд бўлиб, уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантириш учун самарали хизмат қилиш имконини беради.

**Шерали ИМОМОВ,**
**«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг бош директори.**

# «ЛОНДОН – 2012» САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

**_Президентимиз раҳнамолигида Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёноқ мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор бериб келинмоқда. Бундан ўн етти йил муқаддам Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўзиёқ фикримиз тасдиғидир._**

Спорт мусобақалари ичида энг нуфузлиси Олимпиада ўйинлари эканлиги барчага маълум. 1992 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ташкил этилди. 1993 йилнинг сентябрь ойида эса Халқаро Олимпия қўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон мазкур қўмитага тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Осиё Олимпия ҳаракати ва минтақавий ташкилот — Осиё Олимпия кенгашининг аъзоси ҳамдир.

Бугун юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилган ҳамда жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган улкан саъй-ҳаракатларимиз, жумладан, юқори даражадаги замонавий моддий-техник база яратилганлиги сабабли ҳамюртларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йилнинг 8-24 август кунлари Хитой пойтахти Пекинда ташкил этилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда яна бир бор намойиш этдилар. Мазкур нуфузли мусобақада 58 нафар вакилимиз 15 та спорт тури бўйича қатнашиб, 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медали билан норасмий умумжамоа ҳисобида 204 та мамлакат спортчилари орасида 40-ўриндан жой олишган эди.

2012 йили Лондон (Буюк Британия) шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юртдошларимиз янада юқорироқ натижаларга эришишни мақсад қилиб қўйишган.

Бу борада жорий йил 5 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

**Қарор ва ижро**

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Республика комиссияси томонидан Ўзбекистон терма жамоаларини "Лондон — 2012" ёзги Олимпия ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Дастурнинг асосий мақсади, мамлакатимиз терма жамоаларининг 2009-2012 йиллардаги Олимпия цикли даврида халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши ва тайёргарлик кўриши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Шунга мувофиқ, Олимпия дастуридаги спорт турлари федерацияларига махсус замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув-йиғин базалари ажратилиб, уларга ҳомий ташкилотлар бириктириб қўйилмоқда.

Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг биринчи босқичи 2009-2010 йилларга мўлжалланган. Шу давр мобайнида терма жамоаларимиз учун ёш иқтидорли спортчилар саралаб олинади. Улар орасидан Олимпиада йўлланмалари учун кураш олиб борадиган спортчилар шакллантирилади. Саралаб олинган спортчилар 2009 йили Сингапурда ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари, 2010 йили яна Сингапур мезбонлик қиладиган ёшлар ўртасидаги биринчи Олимпия ўйинлари, 2010 йили Гуанжоу (Хитой)да ўтадиган XVI Осиё ўйинларида иштирок этадилар. Шунингдек, биринчи босқичда ўқув-йиғин машғулотлари ўтадиган махсус базаларнинг барчаси капитал таъмирдан чиқарилиб, зарур спорт жиҳозлари билан таъминланади.

Иккинчи босқич 2011 йилга, учинчи босқич эса 2012 йилга мўлжалланган бўлиб, унда терма жамоаларга жалб этиладиган асосий спортчилар саралаб олинади. Ўз навбатида, улар кучайтирилган машғулотларда маҳоратларини ошириб борадилар.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси вакили Роман Ицковнинг таъкидлашича, Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига ҳозирданоқ тайёргарликнинг бошлаб юборилиши ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Айниқса, халқаро мусобақаларда доимо совриндорлар сафида юрадиган дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, байдарка ҳамда каноэда эшкак эшиш, оғир атлетика, бокс, таэквондо (ВТФ) бўйича терма жамоаларимиз имкониятларини мутахассислар юқори баҳоламоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

## Томошабинларга манзур бўлди

**_Ўзбек Миллий давлат академик драма театри жамоаси Бухоро вилоятига ижодий сафар уюштирди._**

Республика Бош прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда "Тортадурман жабрини" деб номланган спектакль намойиш этилди. Мазкур саҳна асарида одам савдосига қарши кураш мавзуси ҳаётий воқеалар орқали очиб берилган бўлиб, намойиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбир доирасида жойларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Болаларга аталган кўргазма

**_Сураткаш Вера Землянская ҳаётининг энг гўзал даврлари Ўзбекистонда ўтган. У узоқ йиллар турмуш ўртоғи билан биргаликда "Жиззахчўлқурилиш" бошқармасида меҳнат қилган._**

Маҳаллада яшаб, ўзбек халқининг меҳр булоғидан баҳраманд бўлган. Ижодкор дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлиб, у жойларнинг табиати, ҳайвонот ва наботот оламидан илҳом олди ва уларнинг ҳар бирини кадрга муҳрлади.

Ҳозирда у Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатида яшаётган бўлса-да, туз ичган жойга қуллуқ қилиш маъносида "Бир бор кўриб..." деб аталган хайрия кўргазмасини пойтахтимиздаги Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этди.

Кўргазмадаги суратларни томоша қиларкансиз, энг ноёб қушлар, гуллар, табиатнинг гўзал онлари санъат даражасида тасмага олинганига амин бўласиз. "Бир бор кўриб..."нинг бошқа кўргазмалардан фарқи шундаки, болалар учун аталган ушбу асарлар тадбир тугагач, пойтахтимиздаги Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи ҳамда Қарши шаҳридаги нейрохирургия шифохонасига ҳадя қилинади.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Рассом ҳаётига бағишланди

**_Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ёзувчи Нодир Норматовнинг "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" роман-эссеси тақдимоти бўлиб ўтди._**

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Рўзи Чориевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти акс эттирилган ушбу асарда муаллиф машҳур рассом билан кўп йиллик ҳамкорлиги, кузатишлари ҳақида ҳикоя қилади. Китобда рассомнинг турли даврларга оид фотосуратлари, 50 га яқин асарларидан намуналар ўрин олган.

Китобни варақлар экансиз, рассомнинг камтарона ҳаёт тарзи, унинг руҳий кечинмалари ва ёндафтарига битилган сатрлардан бохабар бўласиз.

Тақдимот маросимида "Рўзи Чориевни эслаб..." деб номланган фильм ҳам намойиш этилди.

**Ф. ХУШМАТОВА.**



**_Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика Касаба уюшмалари Федерациялари кенгаши ҳамкорлигида ёзги оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди._**

# ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Унга мувофиқ, ёзги стационар ҳамда мактаблар қошида соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш, шунингдек, ёзги таътилни уйда ўтказаётган болаларнинг ҳам бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш, уларни турли ижодиёт марказларидаги ҳунар тўгаракларига йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу мавсумда 1-7-синф ўқувчиларининг 245 минг нафари оромгоҳларда дам олади. Қолаверса, 91475 нафар ўғил-қиз мактаблар қошида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, миллион нафардан зиёд ўқувчи мактабдан ташқари таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда маҳаллалардаги спорт тўгаракларига қамраб олинади. Меҳрибонлик уйларининг жами 2686 нафар тарбияланувчиси эса Халқ таълими вазирлиги қошидаги "Меҳрибонлик" оромгоҳларига ҳамда турли соғломлаштириш масканларига юборилади.

**Ёзги таътил**

Шу ўринда пойтахтлик болажонларнинг ҳам таътилни мароқли ўтказишлари учун барча шарт-шароит ҳозирлаб қўйилганлигини қайд этиш жоиз. Шаҳар бўйича жами 275116 нафар ўқувчи мактаблар қошидаги оромгоҳлар, ёзги соғломлаштириш стационарларига қабул қилинади. Масалан, Тошкентдаги 243-умумтаълим мактабида ташкил этилган спорт-соғломлаштириш оромгоҳида болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар муҳайё. Бу ерда ётоқхона, ошхона, кутубхона, спорт майдони, сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, соғломлаштириш комплекси тўрт сменада фаолият кўрсатади. Мавсум охирига қадар бу гўшада 440 нафардан зиёд ўқувчи дам олиши мўлжалланган. Қолаверса, атроф туманлардаги ёшлар оромгоҳ қошида фаолият кўрсатаётган тўгаракларга жалб этилади.

— Ўн икки нафар ўқувчидан иборат гуруҳга раҳбарлик қиляпман, — дейди "Келажак" гуруҳи раҳбари Хуршида Шоёқубова. — Оромгоҳда уларнинг билим ва дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган турли маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал беллашувлар, санъат ва маданият намояндалари билан ижодий учрашувлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, болалар "Моҳир қўллар", "Ёш спортчи", "Ёш мусаввир", "Мусиқам — жону дилим" деб номланган тўгаракларга қатнашишади. Болажонлар, шунингдек, сузиш билан мунтазам шуғулланишади. Шифобахш фитобар, махсус гимнастика машғулотлари улар хизматида. Ҳар куни кино, театр, цирк сингари маданий масканларга, пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларига экскурсиялар уюштирилади.

Куни кеча оромгоҳ бағрига ошиққан болажонларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали мутасаддилари спорт инвентарларини топширишди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

**_Халқ ҳунармандчилиги, хусусан, пичоқсозлик, кандакорлик мустақиллик йилларида қадр топди. Темирга жон киритиб, безаклар битиб, ҳар бир буюмни заргарона маҳорат билан санъат даражасига кўтарган усталар меҳнати юксак баҳоланадиган бўлди._**

# МАКТАБ ЯРАТГАН ҲУНАРМАНД

Президентимиз раҳнамолигида азалий ва миллий қадриятларимизнинг улуғланаётгани, халқимизнинг бой маданий, амалий меросига эътибор ва ҳурмат билан қаралаётгани соҳа ходимларига ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлади. Айни дамда ҳунармандларнинг иқтидорли, қобилиятли, маҳорат бобида мактаб ярата олган навқирон авлоди етишиб чиқмоқда. Шулардан бири Шаҳрихон пичоқсозлигининг вакили Содиқжон Неъматовдир. Содиқжон усталар анъанасини давом эттирибгина қолмади. Аксинча, "Шамшири Бобур", "Амир Темур" сингари қатор эсдалик қиличларини яратди. Ва улар ҳақли равишда Бобур халқаро жамғармасининг махсус мукофотига лойиқ топилди. Дастлабки сайғоқ шохи, илик суякларидан тайёрланган латун, кумуш қопламали нозик нақшли қинлар, дами кескир пичоқлар — мўъжиза. Улар уста тафаккури, ақл-идроки, сабр-тоқати ва ниҳоят меҳр тафтидан яралган.

Агар шундай бўлмаганда, Хитой, Япония, Германия, Швейцария, Италия, Франция, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия сингари ўнлаб мамлакатлардан келган сайёҳлар бу буюмларни ўзлари билан бирга олиб кетмас эди.

— Устозим Раҳматхўжа Алихўжаевдан бир умр миннатдорман, — дейди Содиқжон. — У менга ана шундай мўъжизавий пичоқлар ясашни ўргатди. Қўқонлик устозим Рустамбек Улуғбеков кандакорликдан сабоқ берди. Яна бир устозим — наманганлик Муҳаммаджон ака Солижоновдан кумушга хал бериш санъатини эгалладим.

**Мерос**

Кандакорлик — темирни атиргулга айлантира оладиган ҳунар. Дурадгор ёғочга қанчалар сайқал берса, кандакор уста ўзи тайёрлаган буюмни ўймакорлик санъати билан гулга безайди. Содиқжон ясаган офтобалар, қумғонлар, обдасталар нафақат бежиримлиги, балки нозик ва нафис безакларга бойлиги билан ҳам кишини мафтун этади.

— Юртбошимиз биз, тадбиркорларни эъзозламоқда. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида биздагидек эътиборни учратмайсиз, — дея завқ-шавқ билан ҳикоя қилади Содиқжон. — Ҳунармандлар меҳнатию маҳоратини элга танитиш, довруғини оламга ёйиш, энг муҳими, ўша ишларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш учун кўргазмалар ташкил этилмоқда. Меҳнатларим Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2007" танловида алоҳида эътироф этилди. Биринчи ўринга сазовор бўлдим. "Матиз" автомобили билан тақдирландим. Бу мукофот, аслида, халқ ҳунармандчилигига берилган юксак баҳодир.

Водийда шаҳрихонликлардан ташқари, Қорасув пичоқсозлик мактаби ҳам шаклланган.

— Бу ерда тайёрланган пичоқлар, — мулоҳазалари билан ўртоқлашади санъатшунос Дилшодбек Юсупов, — кескирлиги, безаги, ноёб хом ашёдан ясалиши, тиғидаги ой ва юлдузлар тасвири билан ажралиб туради. Унинг дастаси учун фойдаланиладиган қўтос шохи қўшни давлатлардан олиб келинади. Темирни қиздириб, эгилувчанлигини таъминлашда ишлатиладиган кўмир ҳам шундай. Дастага эса алоҳида ишлов берилади.

Бакиржон Асқаров — Қорасув пичоқсозлигининг иқтидорли вакили. Ишни темирни қиздириш, яримтайёр буюмни чархлашдан бошлаган Бакир шу ҳунари билан элга танилди. Юртбошимиздан дил сўзлари битилган мактуб олиш бахтига мушарраф бўлди. Президентимизнинг мактуби ва қимматбаҳо совғаси оиланинг энг нодир неъмати сифатида сақлаб келинмоқда.

Вилоятда ҳунармандлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Уларнинг 850 нафари вилоят ҳунармандлар уюшмаси аъзоси. Темирдан, лойдан, ёғочдан мўъжиза яратаётганларнинг буюмлари кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ, бугун. Буларнинг барчаси ҳунармандларга бўлган муносабат ва эътиборнинг тотли мевасидир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

**(17 июнь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 14-19, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

_Муҳтарам юртдошлар!_

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат
**Халқ банки**

**БАНКНИНГ МАҚСАДЛИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИНИ СОТУВГА ЧИҚАРДИ.**

Халқ банкининг мақсадли пул-буюм ютуқли, тиражли лотереяси ютуқ фонди лотерея умумий миқдорининг 70 фоизини ташкил этади.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИ БАҲОСИ — 1000 СЎМ.

2009 йил охиригача 4 та ютуқ тиражи ўтказилиб, ҳар бир ютуқ тиражида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган турли русумли жами 18 та автомобиль, 100 та мебель тўплами, 80 та музлаткич, турли русумдаги 100 та кондиционер, 160 та телевизор, 142 та кир ювиш машинаси, 80 та DVD-плейер, 480 та турли хил гилам, 160 та велосипед, 11300 дан ортиқ уй-рўзғор буюмлари, шунингдек, 278600 та пул ютуқлари, жами 291200 та пул ва буюм ютуқлари ўйналади.

Лотереянинг биринчи чиқарилиши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 20 июлда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Лотерея билетларини харид қилинг ва республика товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаш билан бир қаторда, ютуқ соҳиби бўлиб, оилангизга шодлик улашинг!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

**Мурожаат учун телефон: 150-12-91.**

Хизматлар лицензияланган.
_2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензия._

571-2R/847

XALQ BANKI
**Uz•TO'LOV**
milliy to`lov tizimi

- MABLAG`LARNI BOSHQARISH
- TEZKOR PUL O`TKAZISH
- MOBIL BANK
- INTERNET
- KOMMUNAL TO`LOVLAR
- UYALI TELEFON TO`LOVLARI
- UY TELEFONI TO`LOVLARI

Бундан ташқари, сиз республика бўйлаб миллий валюта — сўмдаги ўтказмаларни жўнатиш ва банклардаги ҳисоб рақамларингизни бошқариш имконига эгасиз.

«Uz-to`lov» тизими хизматидан фойдаланиш жуда осон! Сиз унга Интернет, тўлов терминали, инфокиосклар, Халқ банки ва бошқа тижорат банклари бўлимлари ҳамда тўлов тизими шохобчалари орқали кира оласиз.

Тўлов — нақд пулда ёки пластик карталар билан, шунингдек, тижорат банклардаги депозит ҳисобварақангиз орқали амалга оширилиши мумкин.

«UZ-TO`LOV» — ВАҚТДАН ЮТИШ, НАҚДДАН ЮТИШ ДЕМАК!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Хизматлар лицензияланган.
_2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензия._

571-1R/847

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6 8 9